



# Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 18 октябрь, № 213 (8836)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОЗАРБАЙЖОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни мамлакатимизда амалий ташир билан бўлиб турган Озарбайжон Республикаси Ташқи разведка хизмати раҳбари Орхон Султоновни қабул қилди.

Учрашув аввалида Озарбайжон идораси бошлиғи давлатимиз раҳбарига Озарбайжон Президенти Илхом Алиевнинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди. Ўзбекистон — Озарбайжон иттифоқчилиги ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини олий даражадаги келишувларни амалга ошириш доирасида янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол мулоқотлар ва самарали алмашинувлар давом этаётгани, ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари барқарор ўсаётгани, томонлар кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш, маданий-гуманитар тадбирларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар кўраётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Терроризм, экстремизм ва радикализм, кибержиноятчилик ҳамда хавфсизликка таҳдид солаётган бошқа замонавий хавфларга қарши курашиш бўйича махсус хизматларнинг яқин идоралараро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва самарали мувофиқлаштириш ҳужумлиги таъкидланди.

Шунингдек, Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашишга қаратилган амалий ҳамкорликини кенгайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

## 2025 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲИМ Йўналишлари БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилда иқтисодиётда кутилаётган натижалар ва 2025 йил учун мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар муҳокамаси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

Жаҳондаги қийин вазиятга қарамадан ички имкониятларни ишга солиш ҳисобига ўтган 9 ойда мамлакатимиз иқтисодиёти 6,6 фоизга, саноат 7 фоизга ошди. Йил якунигача камида 6 фоиз ўсиш кутилмоқда.

Олтин-валюта захираси бу йил илк бор 40 миллиард доллардан ошди. Аҳолининг миллий валютадаги депозитлари 50 фоиз ўсди.

Дунёнинг нуфузли рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистоннинг рейтинг барқарор сақланиб қолаётганини ижобий баҳолапти. Ташқи инвесторлар ишончи ортгани туфайли халқаро бозорларда 4 миллиард долларлик евробонд жойлаштирилди.

Буларнинг натижасида жорий йилда инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33 фоиздан ошадди. Экспорт қарийб 19 фоиз ўсиши кутилмоқда.

Умуман, Халқаро валюта жағма-масси, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки фаол инвестиция сиёсати ва ишловлар ҳисобига Ўзбекистонда келгусида ҳам барқарор иқтисодий ўсиш сақланиб қолишини тасдиқламоқда.

Шу билан бирга, дунё бозорларида рақобат кучайиб, ҳомашё нархлари тез-тез ўзгараётган ҳозирги шароитда саноат ва экспортда

юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни кўпайтириш шартлиги таъкидланди. Шу нуктаи назардан, мута-саддиларга ҳар бир тармоқ кесимида қўшилган қиймат занжири ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича уч йиллик дастур ишлаб чиқиш ва-зифаси қўйилди.

Йиғилишда иқтисодиёт ва инвестиция соҳасидаги асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Асосий солиқ ставкалари ўзгар-ишсиз қолаётган ҳолатда бюджет даромадларини кўпайтиришнинг бирдан бир йўли — солиқ маъму-ричилигини такомиллаштириш экани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари бу тадбир-корлар фаолиятига аралашуш орқа-ли эмас, балки рақамлаштириш, сунъий интеллект ва “яширин иқти-содиёт”ни “соя”дан чиқариш ҳисо-бига бўлиши кераклигини таъкидлади. Халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ҳамкорлардан жалб этилган имтиёзли маблағларнинг самарадор-лиги масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда 2025 йилга мўлжал-ланган иқтисодий режалар ҳам кўриб чиқилди.

Келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўсишини сақлаб қолиш учун барча им-

коният борлиги қайд этилди. Бунинг учун режалаштирилган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш, транспорт-ло-гистика, ахборот технологиялари, агро ва молиявий хизматларни ривож-лантириш талаб этилади.

Имтиёзларнинг самарадорлигини кўриб чиқиш ва “яширин иқтисо-диёт”ни қисқартириш бўйича топши-риқлар берилди.

Яратилган имкониятлар ҳисобига келгуси йилда 78 та туман бюджет харажатини ўзи қоплашга ўтказила-ди. Бунинг учун ер, мол-мулк ва ай-ланма солиғи тўлиқ, даромад соли-гининг 50 фоизи уларнинг ўзидан қол-дирилади.

Ижтимоий давлат тамойилидан келиб чиқиб таълим ва соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағлар-ни 20 фоизга кўпайтириш назарда тутилмоқда.

Йиғилишда билдирилган фикрлар асосида 2025 йилги Давлат бюджет-ти лойиҳасининг асосий йўналишлар-ни белгилаб олинди.

Қонунчиликка мувофиқ бу лойиҳа ва унинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилинади ҳамда яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-га киритилади.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш орқали миллий генофондни асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, замонавий диагностика ва даволаш усулларини амалиётга кенг татбиқ этишга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак билим ва профессионал маҳоратга эга бўлган кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Надирханова Наталья Суратовна — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази директори

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Любич Аделина Семёновна — Республика ихтисос-лаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиб-биёт марказининг фахрий шифокори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Балтабаева Зулфия Сабировна — Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими mudiri, Қорақалпоғистон Республикаси

Ким Ен-Дин — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими mudiri

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Раҳманов Узнбай Мансурович — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг гинекология қабули бўлими акушер-гинеколог

Френкель Римма Аркадьевна — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳомилдорлар патологияси бўлими акушер-гинеколог

Чернова Наталья Ивановна — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг гинекология бўлими ҳамшираси

«Соғлом турмуш» медали билан

Адилова Гулнара Мирзаевна — Нурафшон шаҳри тиб-биёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими акушер-гинеколог, Тошкент вилояти

Неулибина Наталья Сергеевна — Республика ихтисос-лаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиб-биёт марказининг «Оила ва никоҳ» маслаҳатхонаси педиатри

Салиходжаева Гулнара Романовна — Республика их-тисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг патологоанатомия бўлими mudiri

Сидикова Лариса Дмитриевна — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг эндовизуал лапароскопик гинеколо-гия бўлими акушер-гинеколог

Чалова Айсултан Джуманиязовна — Республика их-тисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг туғуруқ бўлими катта дояси

Шомиров Абдухамид Қўчқарович — Республи-ка ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги ил-мий-амалий тиббиёт марказининг гинекология бўлими аку-шер-гинеколог

«Шухрат» медали билан

Исамухамедов Бахтияр Каримбердиевич — Респу-блика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги ил-мий-амалий тиббиёт марказининг «Оила ва никоҳ» масла-хатхонаси терапевти

Нафиқова Гулнара Аршадовна — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг туғуруқ бўлими дояси

Нурматова Муҳаббат Илсовна — Республика ихтисос-лаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг акушерлик қабули бўлими акушер-гинеколог

Юсупбаев Рустем Базарбаевич — Республика ихти-сослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг феталь тиббиёт бўлими mudiri

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 17 октябрь

## САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан «Қонун устуворлигини таъминлаш ва давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш — асосий мақсадимиз» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

## «ИМОН ТЕРМИЗИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА ТУТГАН ЎРНИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Муҳтарам меҳмонлар!

Муқаддас ислом дини ривожига муно-сиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизлар-ни улуг алломулар юрти — Ўзбекистон за-минида буюк муҳаддис Имом Термизий-нинг илмий меросини ўрганишга бағиш-лаб ўтказилаётган халқаро илмий-амалий анжуманнинг очилиши билан чин қалбим-дан самимий муборакбод ётаман.

Ҳеч шубҳасиз, исломшунослик илми-нинг билимдонлари бўлган сизлар каби таниқли олим ва уламулар, эксперт ва тадқиқотчиларнинг бугунги нуфузли тад-бирда иштирок этаётгани бизга катта мам-нуният бағишлайди.

Зеро, сизларнинг тимсолингизда мусул-мон оламининг фахру ифтихори бўлган Имом Бухорий, Имом Термизий сингари буюк алломаларимизнинг эзгу аънаналари давомчиларини кўраимиз.

Қадамларингизга ҳасанот, ташрифингиз қутлуг ва хайрли бўлсин!

Қадри дўстлар!

Биз ўрта асрларда ислом дунёсида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган мутафаккир боболаримиз ҳақида сўз юритар эканмиз,

Имом Термизий ҳазратларининг муборак номларини албатта биринчилар қаторида тилга оламиз.

“Муҳаддислар султони” деган юксак ма-қомга эришган буюк аждодимиз — Имом Бухорийнинг суюкли шоғирди бўлган бу беназир зотнинг ёрқин хотираси, ўлмас асарлари, юксак инсоний фазилатлари ўн икки асрдан буён юртимиз заминини шону шуҳратга буркаб келаётгани билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Имом Термизий бобомиз мусулмон дунёсида олти буюк муҳаддисдан бири сифатида эътироф этилгани, ул зотнинг ҳадислар тўплами энг мўътабар манбалар қаторида тилга олиниши, ислом уммати бу мумтоз сиймо олдида доимо таъзимда экани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Бугунги анжуман муҳокамасига Имом Термизийнинг “Аш-Шамойл ал-Муҳамма-дия” ва “Сунани Термизий” каби ноёб асарлари, термизий алломалар илмий ме-роси ва уларнинг ҳозирги кундаги аҳами-яти каби ғоят долзарб масалалар қўйил-гани ана шундай эҳтиромнинг яна бир амалий ифодасидир.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ислом дини ривожига беқиёс ҳисса қўшган қўллаб алломаларимиз, жумладан, Имом Терми-зийнинг бебаҳо меросини ўрганиш ва тар-ғиб этиш, муқаддас хотирасини эъзозлаш, табарруқ қадамжоларини обод этиш бо-расида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақида сўз юритганда, Сурхондарё ви-лоятининг Шеробод туманида муаззам ёдгорлик мажмуаси барпо этилгани, Тер-миз шаҳрида ул зотнинг табарруқ номи билан аталган халқаро илмий-тадқиқот маркази, ўрта махсус ислом таълим му-ассасаси ҳамда Ислом институти ташкил этилганини таъкидлаш лозим.

Ана шу муассасалар томонидан Ўзбе-кистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Ҳадис илми мак-таби ва бошқа диний таълим ва илмий-тадқиқот масканлари билан биргаликда Имом Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти, бой мероси чуқур ўрганилмоқда. Аллома-нинг асарлари кўп нусхаларда нашр қилинмоқда. У киши ҳақида қўллаб илмий тадқиқот ишлари, китоблар, бадий асар-лар яратилмоқда.

Сиз, азизлар анжуман қунарида бу бо-

радаги ишлар билан яқиндан танишиб, шу йўналишда ҳамкорлиқни янада кучайтириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни билдирасиз, деб ишонаман.

Биз улуг алломаларнинг ворислари си-фатида ислом динимиз тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик дини эканини таъкид-лаб, бу тенгсиз бойлиқдан башариятнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариш учун биргаликда фойдаланишни, уни кел-гуси авлодларга безавол етказишни ўзи-мизнинг асосий бурчимиз, деб биламиз.

Ана шундай олийжаноб мақсад йўлида юртимиз олимлари, уламулари билан бир-га жонбозлик кўрсатиб келаётган сиз, азизларга, барча илм-фан намояндаларига чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистондаги етакчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари эшиклари сиз-лар учун ҳамиша очик.

Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ил-мий ва ижодий фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, анжуман ишига эса муваф-фақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МЎЪТАДИЛ СИЁСАТ КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАРГА ЎРНАК

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 17-18 октябрь кунлари Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилмоқда.

### Конференция

Мазкур нуфузли анжуман Термиз шаҳридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази-да Қуръони карим тиловати билан бошланди. Унда мамлакатимизнинг кўзга кўринган исломшунос олимлари, соҳа мутахассислари, илмий тадқиқот-чилар, шунингдек, Туркия, Қатар, Миср, Бирлаш-ган Араб Амириклари, Ҳиндистон, Қирғизистон каби 10 дан ортик давлатлардан ташриф буюрган 50 дан зиёд таниқли олим ва уламулар иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг конференция иштирок-чиларига йўллаган табригини Президент масла-хатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Ушбу йирик халқаро анжуман Президентимизнинг 2024 йил 15 августдаги “Имом Термизий таваллуд-ининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитаси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ташқи ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инно-вациялар вазирлиги, Имом Термизий халқаро ил-



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎА) олган сурат.

мий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Конференциянинг ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимов, Ўзбекистон Республикаси Дин иш-лари бўйича қўмитаси раиси Содиқ Тошбоев, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар сўзга чиқиб нуфузли анжуман иштирокчиларини табриклади.



Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 июлда қабул қилинган Сенат томонидан 2024 йил 20 сентябрда маъқулланган

Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим bosқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Шу билан бирга янги конституциявий-ҳуқуқий шароитларда ҳоким ва халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимлари ажратилаётганлиги амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг қайта кўриб чиқишини ҳамда такомиллаштирилишини талаб қилмоқда.

(Давоми 2, 4-бетларда).





## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштиришға қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

 (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ҳудудларни ривожлантириш борасида халқ депутатлари Кенгашларининг ролини янада ошириш талаб этилмокда, бугунги кун талаблариға асосан вакиллик назоратининг янги шаклларини жорий этиш, ҳокимларнинг тегишли Кенгашлар олдидаги масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтириш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириш зарур.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариға ҳокимларнинг ҳамда халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатларини аниқлаштиришға қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмокда.

Жумладан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунидаги вилоят, туман, шаҳар ҳокими бир вақтиннг ўзида тегишли ҳудуддаги вакиллик ҳокимиятиға бошчилик қилиши ҳақидаги норма қачибриб ташланмокда. Ҳокимларға тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига масалалар киритиш, зарурат бўлганда Кенгаш сессияси қачирилишини талаб қилиш ва тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қонунчиликка зид бўлган қарорларини бекор қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ёки судға мурожаат қилиш каби қатор янги ваколатлар берилмокда.

Шунингдек халқ депутатлари Кенгашлариға депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши, у ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалға ошириши белгиланмокда, уни ваколатлари муддати тугагунига қадар лавозимидан озод қилиш тартиби назарда тутилмокда.

Бундан ташқари халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларни Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаб мустаҳкамланмокда. Бунда ушбу тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ҳамда ҳуқуқий оқибатларға олиб келмайди.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ғи Ўзбекистон Республикаси Қонунига Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимиға маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манба маками берилишини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмокда.

Ушбу Қонун қонунчиликини янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштиришға, жойларда ҳокимиятлар бўлимини принциплни тўлақонли рўёбға чиқаришға ва ҳудудларни бошқаришни аҳоли манфаатлариға хизмат қилиш принципи асосида йўлга қўйишға хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ғи 746–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2001 йил, № 9–10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда; № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда, № 11, 791-модда; № 12, 891-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, 4-сонға илова, № 11, 1061-модда; 2022 йил, № 5, 466-модда; 2023 йил, № 4, 265-модда, №10, 797-модда, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 109-модда) **5-моддаси саккизинчи қисмининг иккинчи хатбошида**ги «хисобот» деган сўз «аxbорот» деган сўз билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ғи 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Аxbоротномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда; 2021 йил, № 1, 3, 7, 13-моддалар, 4-сонға илова, № 8, 800-модда, № 12, 1198-модда; 2022 йил, № 3, 213-модда, № 6, 570, 777-моддалар, № 10, 984-модда; 2023 йил, № 1, 2-модда, № 10, 794-модда, № 12, 1003-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модда:** **биринчи қисмининг русча матнида**ги «Советы народных депутатов» деган сўзлар «Кенгаши народных депутатов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмининг биринчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли ҳудуддаги ижро этувчи ҳокимиятға вилоят, туман ва шаҳар ҳокими бошчилик қилади»;

2) **2-модда:** **номидаги «вакиллик ва ижроия ҳокимияти»** деган сўзлар «**ижро этувчи ҳокимият**» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **иккинчи қисмида**ги «партия гуруҳларининг» деган сўзлар «партия гуруҳларининг (бундан бўён матнда партия гуруҳлари деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг истиқболға мўлжалланган дастурини тақдим этади»;

**учинчи – ўн биринчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи – ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўққизинчи – ўн иккинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи – ўн тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин: «Вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутати эти сайланиши мумкин.

Туман, шаҳар ҳокими лавозимига номзод тегишли халқ депутатлари Кенгашида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг истиқболға мўлжалланган дастурини тақдим этади.

Туманға бўйсунадиган шаҳар ҳокими туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу ҳусусда қабул қилинган қарор кейинчалик халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Айни бир шахс сурункусига икки муддатдан ортқк айни бир вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланиши мумкин эмас.

Ҳокимларнинг ваколатлари муддати – беш йил»;

3) **6-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг ҳужжатлари Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишининг ягона электрон тизимида (бундан бўён матнда Ягона электрон тизим деб юритилади) ишлаб чиқилади, келишилади ва рўйхатдан ўтказилади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳужжатлар, бундан норматив-ҳуқуқий тусға эга бўлган ҳужжатлар мустасно, агар шу ҳужжатнинг ўзида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилган пайтдан эътиборан кучға қиради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг норматив-ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлари, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат

кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

Халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимнинг Ягона электрон тизимда рўйхатдан ўтказилмаган ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибға солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларға олиб келмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир»;

4) **7-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекциясининг ҳулосасига кўра яроқсиз деб топилган давлат кўчаси мулк объектларини бўзиб ташлаш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиш ҳуқуқиға эга»;

5) **10-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ер участкаларини доимий фойдаланишға беришға ҳақли»;

6) **IV бобнинг номи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ»;**

7) **16-модда:** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Халқ депутатлари Кенгашларининг ваколатлари муддати – беш йил»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларда жорий этилган фавулдода ҳолат амал қилишининг бутун муддати ичида халқ депутатлари Кенгашлариға сайловлар ўтказилмайди»;

8) қуйидаги мазмундаги **16<sup>1</sup>–16<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«16<sup>1</sup>-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг раиси**

Халқ депутатлари Кенгашиға унинг депутатлари орасидан сайланадиган раис бошчилик қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтиннг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

Айни бир шахс сурункусига икки муддатдан ортқк айни бир вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси Кенгашнинг ваколатлари муддатига сайланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияға аъзолиқни тўхтатиб туради, шунингдек доимий ва бошқа комиссиялар, партия гуруҳлари таркибига кириши мумкин эмас.

**16<sup>2</sup>-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисининг ваколатлари**

Халқ депутатлари Кенгаши раиси: халқ депутатлари Кенгаши сессиясига кўриб чиқиш учун киритиладиган масалаларни тайёрлашға умумий раҳбарлиқни амалға оширади;

халқ депутатлари Кенгаши сессиясига раислик қилади ва Кенгаш сессиясининг ишини ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгаши Котибияти мудир ва ходимларини лавозимға тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

Кенгаш Котибиятиға халқ депутатлари Кенгаши ишини ташкил этиш бўйича топшириқлар беради, Котибият ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

халқ депутатлари Кенгашининг қарорларини ва Кенгаш сессияси баённомаларини имзолайди, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгашининг сессиясини, шу жумладан навбатдан ташқари сессиясини қачирish тўғрисида қарор қабул қилади;

фуқароларни қабул қилишни ташкил этади, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади; халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари ишини мувофиқлаштириб боради; халқ депутатлари Кенгаши муҳокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг мутахассислари ҳамда экспертларини жалб этади;

депутатларға ўз ваколатларини амалға оширишда кўмаклашади;

халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг очқлиги ва ошқоралигини таъминлаш чораларини кўради;

халқ депутатлари Кенгаши фаолиятининг ташкилий, аxbорот, моддий-техника таъминотини ташкил этади;

ушбу Қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатларини амалға оширади.

**16<sup>3</sup>-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш**

Халқ депутатлари Кенгашининг биринчи сессияси халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлашдан бошланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини сайлаш учун депутатлар орасидан халқ депутатлари Кенгашиға сайловда иштирок этган ҳар бир сиёсий партия депутатларидан иборат сиёсий партиялар вакиллари гуруҳи ташкил этилади. Сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг таркиби тўғрисидаги қарор депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг мажлисида халқ депутатлари Кенгашиға сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиянинг вакили раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзодлар сиёсий партиялар вакиллари гуруҳининг тавсияси асосида депутатлар орасидан шакллантирилади.

Айни бир шахс бир вақтиннг ўзида бошқа вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашининг раиси этиб сайланиши мумкин эмас.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси лавозимига номзод, агар у овоз бериш натижасида Кенгаш депутатлари умумий сонининг кўпчилики овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Халқ депутатлари Кенгаши раиси сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади, уни халқ депутатлари Кенгаши сессиясида раислик қилувчи имзолайди.

**16<sup>4</sup>-модда. Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш**

Халқ депутатлари Кенгаши раиси овоз бериш орқали Кенгаш депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Кенгаш қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала Кенгаш депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳининг тақлифига биноан Кенгаш томонидан кўриб чиқилади. Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилаётганда сессияда Кенгашнинг доимий комиссиялари раисларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши раисини муддатидан илгари лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилинади, қарор сессияда раислик қилувчи томонидан имзоланади»;

9) **17-модданинг: биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **биринчи – тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятининг ташкилий шакли унинг сессияларидир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли Кенгашнинг фаолиятни жамоатчилик асосида амалға оширадиган раиси, у йўқлигида эса тегишли Кенгашға сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гуруҳи раҳбари томонидан, заруратға қараб, ҳар чорақда камида бир марта қачирилади. Сессия халқ депутатлари тегишли Кенгаши депутатлари камида учдан икки қисмининг ташаббусига ёки ҳокимнинг тақлифига биноан ҳам қачирилиши мумкин. Кенгаш сессиясини қачириш тўғрисидаги қарордан депутатлар сессия очилишдан камида уч кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида қачирилади. Кенгашнинг биринчи сессиясини тегишли ҳудудий, туман, шаҳар сайлов комиссияси раиси очиб беради ҳамда у Кенгаш раиси сайлангунига қадар сессияда раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида раис, у йўқлигида эса тегишли Кенгашға сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиядан илгари сурилган депутатлар томонидан ташкил этилган партия гуруҳи раҳбари раислик қилади. Агар бир нечта сиёсий партия тенг кўмдордаги энг кўп депутатлик ўринларини эгалласа, уларнинг ўзаро келишувига кўра тегишли партиянинг раҳбари раислик қилади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ўтказилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай Кенгашнинг органлари тузилади»;

**учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Электрон овоз бериш тизимлари ўрнатилган залларда очиқ ёки яшарин овоз бериш электрон овоз бериш тизимидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Депутат ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалға оширади»;

10) **18-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини қачириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни кўриб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, Кенгаш сўровини юбориш тўғрисидаги тақлифи кўриб чиқиш, Кенгаш текширувини ўтказиш, депутатлар сўровларини юбориш, қарорлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, овоз бериш, қарорларни ўқиб эшитириш, сессияға тақлиф этилган шахслар сонини аниқлаш тартиби, шунингдек депутатларнинг масъулияти ва сессия ишини ташкил этишға доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг регламентиға мувофиқ белгиланади»;

11) **19-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари**

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбға чиқариш учун кўмаклашиш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида назоратни амалға ошириш учун халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколатлари муддатига доимий ва муваққат комиссиялар тузади.

Халқ депутатлари Кенгашларида, қоида тариқасида, қуйидаги доимий комиссиялар тузилади:

маҳаллий бюджет, тадбиркорлиқни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар бўйича;

коррупцияға қарши курашиш, давлат органларида очқиклики таъминлаш ва ҳуқуқий масалалар бўйича;

ижтимоий соҳа, ёшлар сиёсати, маданият ва спорт масалалари бўйича;

ағар, қурилиш, коммунал соҳалар, экология, саноат ва транспорт масалалари бўйича;

регламент ва депутатлик одоёб-ахлоқи масалалари бўйича.

Халқ депутатлари Кенгашида муваққат комиссиялар ҳам тузилиши мумкин.

Комиссиялар тўғрисидаги низомлар тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади»;

12) қуйидаги мазмундаги **19<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«19<sup>1</sup>-модда. Халқ депутатлари Кенгаши доимий ва муваққат комиссияларининг ваколатлари**

Халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссиялари: ўз ташаббусига кўра ёки Кенгашнинг топшириғига биноан Кенгаш қарорларининг лойиҳаларини ишлаб чиқади; фаолият йўналиши доирасида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалға оширишда иштирок этади;

халқ депутатлари Кенгаши қарорлари лойиҳаларини дастлабки тарзда кўриб чиқади ва уларни Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун тайёрлайди;



# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ



Халқ демократик партияси қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш,

## Ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги

Халқ демократик партиясининг давлат бошқаруви соҳасидаги ғояларида **ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган очиқ, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви** тизимини жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Ушбу йўналишда биз, аввало, давлат бошқарувида юқори профессионализмни таъминлаш мақсадида қонун даражасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбари лавозимига фақатгина шу соҳада **камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган малакали мутахассисларни тавсия этиш** бўйича талабни белгилаш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

Бу таклиф очиқ, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш каби тамойилларга мос келади. Мазкур ғоя давлат идораларини профессионал ва малакали кадрлар билан таъминлаш, раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда адолатли ва шаффоф тизимни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув истиқболда ўзининг ижобий натижаларини беришини кўйидагича асослаш мумкин:

биринчидан, раҳбарлик лавозимларига профессионализм ва тажрибага эга бўлган кадрларнинг келиши давлат бошқаруви самарадорлигини оширади;

иккинчидан, 10 йиллик иш стажига эга номзодларга ўз соҳасида етарли билим ва амалий кўникмаларни тўплаш, раҳбарлик сифатларини шакллантириш имконини беради. Бу раҳбарларнинг пухта ўйланган ва оқилона қарорлар қабул қилишига замин яратеди;

учинчидан, соҳада етарли тажрибага эга раҳбарлар давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида дуч келинадиган муаммоларнинг моҳиятини чуқурроқ англайди, уларни самарали ҳал этиш йўлларини яхшироқ билади.

Шундай қилиб, давлат бошқарувида профессионаллик ва юксак малакани таъминлаш бўйича ташаббусимиз Сайловолди дастуримизда белгиланган устувор вазифа — **ижтимоий тенглик ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган адолатли давлат бошқарувига эришиш** мақсадига тўла мос келади. Бу таклифнинг қонун даражасида мустақамлаштириш мақсадига асосланган раҳбарлик лавозимларида аёллар иштирокини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

## Давлат бошқарувида аёллар иштирокини кенгайтириш муҳим

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида **гендер тенглигининг институционал механизмларини ривожлантириш**, аёлларнинг сайловларда, сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, партия **давлат органларидаги раҳбарлик лавозимларида аёллар учун 50 фоизлик мажбурий квота жорий** этишни таклиф қилмоқда.

Ушбу ташаббус мамлакатимизда демократик жамият қуриш ва барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга хизмат қилади.

Раҳбарлик лавозимларида аёллар вакилликнинг ошиши жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, барча соҳада аёлларнинг салоҳияти ва қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Аёл раҳбарлар ижтимоий соҳалардаги муаммоларга, хотин-қизлар ва болалар манфаатларига алоҳида эътибор қаратади. Бу эса ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширади, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайд.

Давлат ҳокимиятида гендер мувозанатнинг таъминланиши аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширади, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташаббусларни илгари суришга ундайди.

Шу билан бирга, раҳбарликда аёллар иштироки хотин-қизлар учун ижобий намуна вазифасини ўтайди, ёш авлод вакиллари фаол фуқаролик позициясини эгаллашга, ўз орзу-мақсадларига интилишга илҳомлантиради.

## Маслаҳатлашувлар ўтказиш институти — қарорлар қабул қилишдаги самарали ёндашув

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида **ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш** таклифи илгари сурилган. Ушбу ташаббусимиз жамиятда ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш ва аҳоли муаммоларини янада самарали ҳал этиш каби ижобий натижаларга олиб келади.

Ижтимоий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикри ва партиялар позициясини ҳисобга олиш демократик тартиб-таомилларни янада мустаҳкамлашга, очиқ ва шаффоф бошқарув тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, мазкур таклифимиз Ўзбекистонда кенг жамоатчилик иштирокига асосланган демократик бошқарув тизимини янада ривожлантиришга, фуқаролик жамияти ҳамда давлат ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш вазифаларига хизмат қилади. Унинг рўёби мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилашда халқ иштирокини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

## Вакиллик органларида махсус квота

Сайловолди дастуримизда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш** муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия парламент ва маҳаллий Кенгашларга **сайловларда ҳамда давлат фуқаролик хизматида ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус квота** жорий этишни таклиф қилмоқда.

фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тамойилларига содиқлигини кўрсатиб келган. Бу йилги Сайловолди дастуримиздан ўрин олган ғоя ва ташаббуслар тағамида ҳам электорат манфаатларига содиқликни, асосий тамойилларини қаттиқ ҳимоя қилиш руҳиятини англаш мумкин.

Хусусан, дастуримизда қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқаролар ҳамжиҳатлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу йўналиш партиянинг мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга оид аниқ чора-тадбирларини белгилайди.

Ушбу ташаббус партиянинг ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларига содиқлигини кўрсатади ҳамда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига мос келади. Квота тизими ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш, меҳнат бозорига тенг имкониятлар яратиш, жамиятда бағрикенглик ва инклюзив муҳитни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ушбу таклиф партиянинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини намоён этиши баробарида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ўзаро ҳурмат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилади. Бу орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилади, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик муҳити қарор топади. Энг муҳими, квота тизими ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга янада фаол жалб этиб, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш,

**оширишнинг муҳим институти бўла олади**, деган ғоянинг Сайловолди дастуримизда илгари сурилиши одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Биз **ҳакамлар ҳайъати институти одил судловни янги поғонага кўтаради**, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлар ҳайъати суд жараёнида иштирок этувчи мустақил орган бўлиб, унинг аъзолари жамоатчилик вакилларидан иборат. Улар суд жараёнида иштирок этиб, ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишда судьяларга ёрдам беради. Бу институтининг асосий мақсади суд жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва суд қарорларининг адолатли бўлишини кафолатлашдир.

Ҳозирги амалиётда халқ маслаҳатчиларининг роли суд қарорига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмайди. Одатда халқ маслаҳатчилари фақат маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлиб, якуний қарор судья томонидан қабул қилинади. Ҳакамлар ҳайъати институти эса суд жараёнида ўзларининг фаол иштироки ва суд қарорини қабул қилишда бевосита иштирок

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. **Вилоят ва туман (шаҳар) судлари раисларининг қонун талаблари асосида ротация қилиб борилиши** суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Суд раисларини ҳар йили ротация қилиш амалиёти судьяларни муайян ҳудудда узоқ муддат фаолият кўрсатиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий босимлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу амалиёт судьяларга ўз вазифаларини ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз адолатли бажариш имкониятини яратади.

Шу билан бирга, ротация амалиёти суд раислари фаолиятини ва уларнинг юқори меҳнат стандартларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш имконини беради. Бу эса судлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Суд раисларининг тез-тез ўзгариб туриши ички назорат ва ўз-ўзини тартибга солишни кучайтиришга қўмаклашади, чунки ҳар бир янги даражада суд фаолиятининг юқори даражасини сақлаб қолишга интилади.

Судьяларнинг турли ҳудудларда ишлаши уларнинг турли мазмундаги ишларни кўриш ва ҳал этиш бўйича тажрибасини бойитишга ҳам ёрдам беради. Ҳар хил минтақалардаги турли ҳуқуқий муаммолар билан танишиб, судьялар ўзаро касбий малака ошириш ва фикр алмашиш имкониятига эга бўлади. Бу эса турли мазмундаги низоларни қонуний ҳал этиш ва амалий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш-

## Ижтимоий мақбул юридик хизмат

Партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган **адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш** ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Адвокатура институтининг ривожланиши фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда энг муҳим омиллардан биридир.

Бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан боғлиқ жараёнларда эмас, балки кундалик ҳаётимизда киришадиган ҳар қандай муносабатда малакали юридик хизматдан фойдаланиш имкониятининг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда адвокатура институти фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор ислохотлар амалга оширилди.

Партия томонидан ҳам кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича мақбул тизим яратиш, **бепул маслаҳат берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш** таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, юридик ёрдам ҳар доим ҳам бепул бўлмайди ва бунга ҳамма ҳам имкон топмаслиги мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар 8500 нафар шахсга битта адвокат тўғри келмоқда. Масалан, Германияда ўртача 500 нафар фуқарога битта адвокат тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бепул маслаҳат берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бу орқали одил судловга эришиш даражасини оширади.

## Болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириш зарур

Жамиятимизда болалар ва хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ҳолатлари ҳали-ҳануз учрамоқда. Мавжуд ҳуқуқий механизмлар ушбу ҳолатларнинг олдини олишда, зўравонликдан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда жамиятдаги шунга ўхшаш ҳолатларни атрофлича қамраб олган, дея олмаймиз.

Ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, дастуримизда **таъйиқ ва зўравонликка учраган болалар ҳамда хотин-қизлар ҳимоясини янада кучайтиришга** қаратилган ғоялар ҳам илгари сурилган.

Амалдаги қонунчиликда фуқаронинг шаъни, кадр-қиммати ҳамда шахсий маълумотлари билан боғлиқ дахлсизликлари белгиланган бўлса-да, ҳозирги вақтда зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса болалар ва хотин-қизларнинг руҳияти ҳамда келгуси ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, партиянинг **таъйиқ ва зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатишни тақиқлаш** тўғрисидаги таклифи уларнинг ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

ловлар натижасида шаклландиган депутатлик корпусимизнинг ваколатлари ҳамда партияимизнинг барча куч ва имкониятларини ушбу халқчил мақсадларни амалга ошириш йўлида сафарбар қиламиз.

**Дилбар МАМАДЖАНОВА,**  
**Мақсуд ҚУРБОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.**



**Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.00 Топширилди — 23.50** 1 2 3 4 5 6